O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2002-yil, 9-avgust • № 33 (3666)


## 1991-2002

Яқинда Президентимиз жаҳоннинг энг йирик саноат, қурилиш, янги технология, спорт ва ҳатто санъатда ҳам етакчиликни эгаллаб, дунёни лол қолдираётган Японияга бориб келдилар. Саноқлигина кичкина оролларда яшаётган бу бир юз эллик миллионли халқ ўзининг илмий иқтидори, истеъдоди ва аҳиллиги билан дунё афкор оммасини қойил қолдираётир. Президентимиз Японияда давлат арбоблари, саноат соҳасининг "кит"лари, улкан олимлар, инженерлар ва ҳатто санъаткорлар билан ўта илиқ, самимий, беғубор суҳбатлар қурдилар.

Алмисоқдан қолган эски гап. Манманлик. Буни биздан 500 йил аввал Шекспир ёзган. Бири-бирига тенг бўлмаган иккита оила ўртасидаги конфликтнинг янги варианти: Германия Вермахтини тиз чўктирган халқнинг офицер ва аскари келиб-келиб оёқ ости бўлиб турган япон хотин-қизларининг ишқий ўйинларига тушиб қоладими? Бу — бир томондан. Иккинчидан, Америка Перл-Харбор портини яксон қилган япон адмиралининг қизлари битта ўрис ва аскарга ошиқ бўлиб қоладими? Менинг бундай қизим йўқ. Мен бу "чулчут"га ошиқ бўлган қизимнинг кўзларини ўйиб ташлайман!

**Одил ЁҚУБОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

# КЕРЕМЕТ!

Мен "улкан" Японияда бўлган эмасман ва бўлмаганимдан жуда афсус қиламан. Лекин мен кўп йиллар олдин Япониянинг айрим шаҳарларида ва айрим оролларда бўлиб, бу халқнинг тадбиркорлиги, ишчанлиги, уддабуронлиги ва ҳатто мурувватлари ҳамда самимиятига гувоҳ бўлганман. Куни кеча мен Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Японияга қилган сафарлари ҳақидаги кўрсатувларни томоша қилиб ўтириб, бундан салкам олтмиш йил муқаддам гўё кўрган жойларни қайта кўргандек, ҳатто таниш одамларни қайта кўргандек бўлдим.

Ўшанда, яъни бундан 55 йил муқаддам собиқ совет-япон урушида иштирок этганимда бу ерларда салкам олти йил қолиб кетган эдим. Ўшанда мени бир нарса ниҳоятда ҳайратга солган эди. У ҳам бўлса, японларнинг меҳнатсеварлиги, озодалиги ва самимияти. Гарчи биз, яъни собиқ совет аскарлари уларга душман бўлсак-да, бу душманлик қандайдир нари-бериси уч-тўрт ойдаёқ орадан кўтарилиб, бизлар ўзаро яқинлашиб ҳам кетган эдик. Бизнинг 39-армиямиз япон армиясининг энг катта қўмондонлиги жойлашган Порт-Артур шаҳридаги ўринни эгаллаган эди. Аслида бу шаҳарни 1890 йиллар, XIX асрнинг охирги ўн йиллигида руслар Манжурияни босиб олган пайтда қура бошлаган. Лекин сал ўтмай, аниқроғи, 1905 йили япон армияси рус армияси ва флотига қақшатқич зарба бериб, бу ерларни эгаллаб олган эди.

Порт-Артур Хитойнинг Далний деган катта портнинг шундоқ ёнбошида жойлашган. Лекин улар орасидаги фарқ осмон билан ерча. Порт-Артур бамисоли гўзал бир арчазор орасига яширинган япон қизларидай ажойиб маскан. Ҳар бир уй, ҳар бир коттеж ям-яшил арчалар орасига бекинган. Ҳатто уйдан уйга ўтадиган хиёбонларнинг икки томонида арчалар саф тортган. Бир оила учун мўлжаллаб қурилган ҳар бир ҳовли миттигина гулзор. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, на ҳовлилардан, на кўчалардан ғижимлаб ташланган қоғоз ёки чекиб тугатилмаган папирос қолдиғи у ёқда турсин, ҳатто битта чўп ҳам топа олмайсиз. Порт-Артурнинг ёнгинасидаги Далний шаҳрида эса батамом тескари манзара эди ўшанда...

Бизга, яъни полк штаб командири билан тасодифан унга ёрдамчи бўлиб қолган каминаи камтаринга ўша чиройли арчазор орасидаги гўзал коттежлардан биттаси ажратилган эди. Бу коттеж аслида Перл-Харбор порти қаҳрамонларидан бўлган машҳур япон адмиралиники эди. Бу адмиралнинг иккита гўзал қизи бор эди. Катта қизи япон императори комикадзесининг хотини бўлган. Бу комикадзе одат бўйича ўз самолёти билан катта Америка кемасига тикка ҳужум қилиб, ўзини ҳам, кемани ҳам портлатиб юборган...

Хуллас, ўша пайтда Москвадан қатъий буйруқ келган эди: на бирорта офицер, на бирорта аскар япон аёллари билан мулоқотда бўлиши мумкин эмас, кимки мулоқотта кирса қаттиқ жазо олади. Боз устига, қаҳри қаттиқ мағрур адмирал ҳам деразанинг олдида қизларининг ҳар бир қадамини кузатиб ўтирарди. Шундай бир вазиятда бу қизлар билан танишиш ёки улар билан яқинроқ муносабатда бўлишни тасаввур этиб бўладими?! Лекин бири-биридан гўзал иккита гул бир кунда юз марта олдингиздан ўтиб турса, баъзан нималаргадир шама қилиб ёқимтойгина жилмайиб қўйса, унда энди кучга тўлган шўрлик офицер билан аскар нима қилсин?! Бахтимизга имкон борича япон тилини ўрганиш топшириғи ҳам берилганди. Танишиш учун, ҳазил-ҳузул учун бундан бошқа қулай имконият бўлиши мумкинми?! Йўқ, мумкин эмас. Лекин бу машмашани аввал мағрур адмирал сезиб қолади ва бу унинг, яъни олий даражали япон адмиралининг ҳамиятига тегади. Энг қизиғи, бу арзимаган воқеа — "совет офицери ва совет аскари ўз ғуруриини ерга уриб, япон хотин-қизлари билан алоқа боғлабди", деган "даҳшатли" гап зум ўтмай Москвага бориб етади. Дарҳол у ёқдан "шифровка" — махфий телеграмма етиб келади: офицернинг майор унвони бекор қилинсин ва аскар сифатида бирорта ротага юборилсин! Оддий аскар эса ҳозирги жойидан минг километр наридаги ротага олиб бориб ташлансин! Отдан тушса ҳам эгардан тушмаган адмирал ва унинг қизларининг Японияга жўнатиб юборилиши тезлаштирилсин!

Қаранг, ҳаёт конфликтлари, зиддиятлари қанча — минг йиллар ўтгандан кейин ҳам такрорланар экан!

Кўп йиллар ўтгандан кейин мен мана шу вазиятни "Қайдасан, Морико?" номли ҳикоямда тасвирлаган эдим. Президентимиз билан Японияга борган бир кишининг тасодифан шу ҳикояга кўзи тушиб қолибди ва бу ҳикоя жуда кинобоп нарса экан-ку, дебди. Бу гап эса бизнинг машҳур бир режиссёримизнинг қулоғига бориб етибди. Режиссёр менга телефон қилди ва шу ишга киришсам, деб турибман, деди. Албатта, бу гап билан ҳикоя кино бўлиб қолмайди. Мен бу ишга ҳакамлик қила олмайман.

Зотан, мен бу ҳикояни эслашимга эса Президентимизнинг Японияга қилган сафари сабаб бўлди. Мен бу сафар ҳақидаги телекўрсатувларни қайта-қайта томоша қилар эканман, ўз бошимдан кечган, охири вой бўлиб тугаган ўша воқеалар кўз ўнгимдан қайта-қайта ўтди.

Юқорида айтганимдек, мен бу халққа илгари ҳам қойил эдим. Телевидиние шундай катта куч эканки, мен урушдан кейинги ярим аср давомида япон халқининг амалга оширган ишларини кўриб, айниқса, фан, спорт, қурилиш борасидаги ишларни кўриб, лол бўлиб қолдим. Ҳақиқатан, телевидение-матбуотнинг тўртинчи ҳокимият деб аталиши бежиз эмас экан. Ахир, инсоф билан айтганда, бизда ҳам шу ўн бир йилда бутун дунёга кўз-кўз қилиб мақтанишга арзигулик қанчадан-қанча ишлар бўлди-ку!

Мен Марказий Осиё халқлари маданият ассамблеясининг вице-президенти сифатида қўшни мамлакатларда бўламан. Шубҳасиз, уларда ҳам катта ишлар бўлаяпти. Лекин қўшни мамлакатларда бўлаётган улкан ишларни сира камситмаган ҳолда, қўлимни кўксимга қўйиб айта оламанки, бизнинг республикамизда амалга оширилган ва оширилаётган ишлар миқёси жиҳатидан ҳам, сифати жиҳатидан ҳам тамом бошқача.

Бир куни қизиқ бир иш бўлиб қолди. Телефон жиринглади: "Адил, мен Тошкентга кетаяпман. Лекин бир ўзим эмас. Ёнимда яна иккита улкан қозоқ олими бор. Бориб қолсак, ўзинг кутиб ола биласанми ёки элчимизга мурожаат қилайликми?" Мен: келавер, бир нарса қилармиз, дедим. Улар эртасига самолётда келишди. Биз уларни яхши бир меҳмонхонага жойлаштирдик, меҳмон қилдик. Меҳмондорчиликдан кейин энди нима қиламиз, бир-икки соат дам оласизларми, деб сўрадим. Улар: "Йўқ, биз Тошкент тўғрисида жуда кўп қизиқ ҳангомалар эшитиб келаяпмиз, шу мақтовли шаҳрингни бир кўрсат", дейишди. Биз шаҳар айланишга чиқдик. Шунда яна бир қизиқ "ангеме" юз берди. Қозоқ дўстлар Президент саройини (Оқсарой), шаҳар ҳокимиятининг янги биносини, "Интерконтинентал" меҳмонхонасини, Бизнес комплекси ва "Хотира майдони"ни, хоҳ инонинг, хоҳ инонманг, ҳурматли газетхон, уч мартадан айланиб, қайта-қайта кўришди. Ҳар айланишганида бир-бир: "Керемет! Керемет!" деб қўйишарди ўзларича.

Мен илгари ёзган бир очеркимда Қамчиқ довонидаги тунеллар қурилишининг сўнгги дақиқалари ҳақида ҳикоя қилган эдим. Атроф қорли чўққилар. Тун. Юзлаб прожекторлар қурилишнинг энг сўнгги ва энг мураккаб дақиқаларини суратга олишяпти. Машина дегани тоғлар орасига сиғмай кетган. Тоғ оралиғи кундузгидай ёп-ёруғ. Шунда қозоқ дўстларим: "Керемет! Керемет!" деган бўлсалар, менинг кўнглимда "Офарин! Офарин!" деган сўзлар қайта-қайта кечди.

Ёзувчи ўз асари ҳақида сира-сира гапирмаслиги керак. Мен бу ўринда тўғри келиб қолгани учунгина гапирдим. Мен ҳикоямда сўзланган воқеадан кўра бепоён мамлакатимиз шаҳарларида, саҳро-ю қумликларида, осмонўпар тоғлари бағрида бўлаётган "Керемет!" ишлар тўғрисида кўпроқ ҳикоя қилишимизни истардим. Шу телекўрсатув сабаб, мен адашиб ёзувчи бўлиб қолганимдан афсусландим. Балки телевидениечи бўлганимда камтарин ижодимда кўпроқ нарсани қамраб олган бўлармидим..

**А.ОТАБОЕВ ёзиб олди**



* Керемет — офарин дегани

## Шеърий лаҳза

### МАНГУ БАҲОР

**Тушларимга кирар бир чаман,**
**Яшнар унда фасли муҳаббат.**
**Шу чаманда мен ҳам етаман**
**Суйганимнинг васлига, албат.**

**Тушларимга кирар бир гўша —**
**Бахтга тўла сирли бир олам.**
**Бахтим менга тутади бўса,**
**Ёноғидан ўпаман мен ҳам.**

**Тушларимга кирар бир уфқ,**
**Орзум бўлиб имлайди мени.**
**Инъомини қўлимга тутиб,**
**Пойим узра қўяр бошини.**

**Кўзларимни очаман: баҳор,**
**Минг бир рангда яшнар товланиб.**
**Шу баҳорда чулғаниб ётар,**
**Менинг она Ўзбекистоним!**

**Машраб БОБОЕВ**

## 31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ



# ҚИЗҒИН ТАРАДДУД

Бугун юртимиз улуғ байрам шукуҳи билан яшамоқда. Мамлакатимизнинг барча гўшаларида истиқлолимизнинг ўн бир йиллигига қизғин тайёргарлик бормоқда. Байрамни меҳнат зафарлари билан кутиб олиш, айём арафасида янги қурилган иншоотлар — кўприклар, йўллар, ўқув масканлари, турар-жой биноларини фойдаланишга топшириш яхши анъанага айланган. Ушбу қутлуғ анъана бу йил ҳам давом этаётир. Буни биргина пойтахтимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Тошкентнинг ички ҳалқа йўли қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда. Шунингдек, туманларда, маҳалла ва гузарларда ўнлаб замонавий бинолар, кутубхоналар, чойхоналар, маданият масканлари тантанали очилиб, юртдошларимиз ихтиёрига топширилади.

Истиқлолимизнинг ўн бир йиллигига бағишланган асосий тантаналар мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида бўлиб ўтади. Шу кунларда байрам дастурини тайёрлаш ишлари қизғин. "Халқлар дўстлиги" саройида таниқли санъаткорлар, етакчи мутахассислар иштирокида вилоятлар вакиллари тайёрлаб келган дастурлар кўриб чиқилди. Маълумки, ҳар бир вилоят ўзига хос урф-одат, анъанага эга. Сурхондарё фольклори Бухоро ёки Самарқанд фольклорига ўхшамайди. Фарғона лапарларини, Хоразмнинг шўх куй-қўшиқларини бошқа воҳаларда учратмайсиз. Шундай экан, байрам дастурида ҳам ўша ўзига хослик акс этиши зарур. Буни дастурни назардан ўтказган барча мутахассислар бир овоздан таъкидладилар.

"Туркистон" саройида эса эстрада хонандаларининг байрам дастурлари намойиши бўлди. Республикамизнинг ёш ва таниқли эстрада хонандаларининг чиқишларига байрамни ўтказиш Республика ишчи гуруҳи аъзолари — таниқли санъаткорлар Фаррух Зокиров, Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Дилором Омонуллаева ва бошқа мутахассислар ўз муносабатларини билдириб, байрам томошасини янада мукаммаллаштиришга оид таклиф ҳамда мулоҳазаларини баён этдилар. Айни кунларда эса байрам томошасини қиёмига етказиш ишлари Мустақиллик майдонида олиб борилмоқда. Режиссёрлар, саҳна усталари, барча ижодкорларнинг асосий диққат-эътибори байрам дастурини янада файзли ва бетакрор қилиб таёрлашга қаратилган.

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

О.Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрида турк ёзувчиси Азиз Несиннинг "Тарослик ёвуз" асари томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинди. Асарга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров режиссёрлик қилган. Рақсларни Марина Раҳматуллаева саҳналаштирган. Ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Адҳам Юсуфалиев, Ақида Ҳайитова, Озода Абдуллаева ва бошқалар ижро этишмоқда.

* * *

Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида М. Бобоевнинг "Ўлим ҳалқаси" спектаклининг тақдимоти бўлиб ўтди. Саҳналаштирувчи режиссёр Турғунпўлат Йўлдошев. Асардаги асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Р.Бобобалиев, А.Номозов ҳамда актёрлар Ҳ.Орипов, Г.Равшанова ижро этмоқдалар. Асар икки йил аввал Сариосиё ва Узун туманларининг тоғ қишлоқларида бўлиб ўтган воқеалари ҳақида ҳикоя қилади.

# МАЪРИФАТ ХАЗИНАСИ

*Муносабат*

**"Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча эълон қилинган қарорини ўқиб, ниҳоятда мамнун бўлдим. Негаки, ҳар қандай миллатнинг маданий тараққиёти, аввало, унинг маънавияти ва маърифати билан белгиланади. Маънавият ва маърифатни эса асло китобсиз тасаввур этиб бўлмайди.**

Кейинги йилларда юртимизда ўнлаб супермаркетлар, йирик савдо мажмуалари қурилиб, ишга туширилди, бир-биридан гўзал бозорлар қад ростлади. Уларнинг гавжумлигидан, турфа буюмларга, неъматларга сероблигидан кўзимиз қувонади-ю, ҳар кўчада қўзиқориндай кўпайган чиройли дўконларнинг катта-катта китоб дўконларимизни "ютиб юборгани"дан ташвишланиб қўярдик. Ҳатто китоб дўконларини хусусийлаштириб олган валломатлар ҳам китоб савдосини кўздан пана жойларга қисиб қўйишган эди. Бундан, албатта, дўкондорларнинг савдоси жонланиб, сармояси ошганидан ошарди-ю, бироқ маънавиятимиз ва маърифатимиз зиён кўрарди. Тўғри-да, шаҳар ва қишлоқларда, туман марказларида, китоб дўконлари бўлмагач, турфа китобларнинг харидорлари камайиб кетади-да. Шу боисдан шаҳарларда ҳам, қишлоқларимизда ҳам китоб савдоси ёмон аҳволга тушиб, халқимизнинг китобхонлик савиясига заҳа ета бошлаган эди. Мактаб дарсликлари-ку қўлдан қўлга ўтиб сотилиши натижасида нархи осмонга чиқиб кетган эди. Ҳолбуки, нашриётлар ўз китобини бирор воситачисиз тўғридан-тўғри дўконларга чиқариб сотса, унинг нархига нарх қўшилмаслиги ҳаммага аён. Ота-оналар, мактаб маъмуриятлари китобларни сотиб олиш ва етказиб бериш тўғрисида турли воситачилар билан иш битирмай, дўконларнинг ўзидан олса, китобларнинг баҳоси бу қадар қимматлашиб кетмаган бўларди. Нархи арзон китоб эса дўконларда ҳам, нашриётларнинг омборларида ҳам туриб қолмайди. Шу маънода Вазирлар Маҳкамаси қароридаги: **"Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари, "Ўзкитобсавдо" давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бир ой муддатда шаҳарлар ва туманларда қўшимча равишда очиладиган янги китоб дўконлари жойлаштирилишини белгиласинлар ва уларни китоб маҳсулотларини сақлаш ва сотиш учун яроқли бўлган бинолар билан таъминлаш масаласини ҳал этсинлар"**, дейилган банд бу борада тўпланиб қолган муаммоларни тезда ҳал этиш имконини беришига ишонаман.

Қарорнинг саккизинчи бандида илгари хусусийлаштирилган китоб дўконлари томонидан савдо ихтисоси сақлаб қолиниши тўғрисида тузилган шартнома шартларига қандай риоя этилаётганини хатловдан ўтказиш кўзда тутилгани ҳам айни муддао бўлибди. Зеро, бу борада мулкка эгалик ҳуқуқининг қўпол равишда бузилиш ҳоллари учраб турибди.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" саҳифаларида китобхонлик маданияти, китоб танлаш савияси хусусида кўплаб мақолалар бериб борилаётир. Айниқса, ҳурматли устозимиз Озод Шарафиддиновнинг китобхонлик маданияти ҳақида куюниб ёзганлари ҳамон кўпчиликнинг ёдида. Шуни айтиш кераки, халқимизнинг китобхонлик маданияти билан китоб савдоси ўртасида муайян даражада боғлиқлик бор. Китоб савдоси яхши йўлга қўйилган жойда китобхонлик маданияти ва савияси ҳам юқори бўлиши шубҳасиз. Қарорда айтилганидек, "Ўзкитобсавдо" давлат-акциядорлик компанияси ҳамда бу ишга бевосита мутасадди бўлган ташкилотлар аҳоли, айниқса ёшлар орасида миллий ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш, бадиий, ижтимоий-сиёсий ва илмий-маърифий адабиётга бўлган талабни мунтазам ўрганиб, китоб маҳсулотлари мамлакатимиз нашриётлари томонидан чоп этилишини кенгайтириш ҳисобига аҳолининг эҳтиёжларини янада кўпроқ қондириш тадбирларини ишлаб чиқиши зарур. Демоқчимизки, бу хайрли жараён халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини кучайтирибгина қолмай, китобхонлик маданиятини оширишга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

**М. ЭШМУРОДОВ**

# ТАРБИЯНИНГ ТАЯНЧИ

*Бугуннинг гапи*

Таълим-тарбия мамлакат тараққиётини таъминлашда устувор йўналишлардан бири сифатида тан олингани барчага маълум. Ўтказилаётган таълим ислоҳотларининг мақсади жамиятнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий камол топишини таъминлашга қодир бўлган очиқ, самарали ривожланиб борувчи узлуксиз таълим тизимини яратишга қаратилган. Президентимиз ўзларининг фармон ва қарорлари билан иқтидорли ёшларимизнинг таълим олишлари учун ҳар томонлама имконият яратиб бераётир. Теран билимли иқтидорли мутахассисларга эга бўлишимиз учун сарфланаётган жуда катта миқдордаги маблағ узоқни кўзлаб қўйилаётган сармоя эканлигини тушунишимиз керак.

Бироқ бу улуғ мақсадларни тушуниб етишнинг ўзи камлик қилади. Касб-кори, жамиятда тутган мавқеидан қатъи назар, ҳар бир ота-она, оиланинг катта ёшдаги аъзоси, маҳалла, хўжалик, туман миқёсидаги масъул кишилар келажак авлод тарбиясини ўзларининг фуқаролик бурчи деб билсаларгина кўзланган мақсадга эришиш имкониятлари ортади.

Келинг, кундалик турмушда доим кузатиб юрганимиз — болаларнинг қандай машғулотлар билан бандлигига бир эътибор қилайлик. Очиғини айтиш керак, кўпчилик ота-оналар ўзининг вазифаси болаларни боқиш, кийинтиришдан иборат, деб билишади. Фарзандларининг яхши инсон бўлиб камол топиши, билимли, салоҳиятли шахслар сифатида улғайишини эса орзу қилишади. Ҳа, орзуга айб йўқ. Бироқ орзунинг ўзи билангина иш битмайди. Айни шу орзунинг ижобатини кўриш ҳар биримиздан узоқ йиллар қунт билан тер тўкишни талаб қилади. Бундай масъулиятдан қочишнинг эса баҳонаси сероб: ишдан қўл тегмайди, вақт етмайди, ҳозирги ёшларга бир гапни уқтириш қийин ва ҳоказо.

Яқинда бир танишим нолиб қолди: "Мана шу кабелли телевидениени олдим— балога қолдим. Болаларни дастурхон бошига йиғиб бўлмай қолди. Кўзларини телевизорга осиб олишган, қулоқларига гап кирмайди. Қани, ажратиб олинг, энди, уларни бу "сеҳрли қути"дан". Ҳасратидан чанг чиқаётган бу танишим зиёлинамо киши, фарзандлари китоб ўқишини, пухтароқ билим эгаллашини хоҳлайди. Бироқ болалари тобора унинг хоҳиш-иродасидан четлашиб кетаётганидан ёзғириб гапиради. Бундай аҳвол битта-иккита оилагагина хос бўлганда, бу ҳақда гапириб ўтиришга ҳам, эҳтимол, ҳожат қолмасди. Афсуски...

Хўш, бундай аҳволнинг тагида нима ётибди, унинг туб сабаблари қаерда?

Сир эмас, бугун вақтни бекорчи томошалар билан ўтказишнинг йўлиям, йўриғиям ниҳоятда кўп. Жуда бўлмаганда ўша кабелли телевидениенинг ўзи зерикишга ҳечам ҳожат қолдирмайди. Бир кунда ўндан ошиқ филмлар, турли туман томошалар, таъбир жоиз бўлса, вақтни шунақанги емирадики, улардан кейин бирор-бир маънили иш билан шуғулланишга ҳафсала қолмайди. Хаёлни йиғиб олишнинг ўзи душвор. Кун сайин, ойлар давомида болада бу "сеҳру жоду"га одатланиш, ўрганиб қолиш касаллик тусини олади. Энг аянчлиси, боланинг мияси юзаки, олди-қочди томошалар таъсирида кераксиз, маънисиз лаш-лушлар билан тўлади. Энди унга гап уқтириш қийин бўлади.

Ҳар қандай соғлом одам миясининг ташқи таъсирларни қабул қилиши билан боғлиқ имкониятлари чекланган, бунинг ҳам ўзига яраша меъёри бор. Бекорчиликдан, вақт ўтказиш баҳонасида кераксиз машғулотларга ўралашиб қолган боланинг онги зарур нарсаларни, дейлик, ҳақиқий санъат асарини кўриб, сабр-тоқат билан бирор-бир яхши китобни ўқиб қабул қилишни хоҳламайди. Фикр юритишга, мулоҳаза қилиб кўришга мажбур қилмайдиган, жўн ва қизиқарли воқеаларга қурилган томоша бола онгини торайтириб, тафаккурини буткул ўтмаслаштириб қўяди. Оқибатда унинг мияси кераксиз нарсалар билан тўлдириб ташланган чордоқдан фарқ қилмай қолади. Энди бу жойга маънили, унинг келажаги учун асқотадиган фикрларни жойлаш машаққатга айланиши тайин.

Мана шундай ҳолат олдимизга бир қанча вазифаларни кўндаланг қилиб қўяди.

Аввало, ҳар бир ота-она фарзандининг кун мобайнида нима билан машғул бўлишидан тўла хабардор бўлиш керак, хусусан, у видеога қатнаяптими, бекорчиликдан санғиб юрибдими, унинг дўстлари ким ёки у қандай китоб, газета журналларни ўқийди, қанақа ахборотларга қизиқади ва ҳоказо. Агар бу борада бола билан ишлашни йўлга қўя олсак, нур устига нур бўлади. Яъни унинг кўрган кинолари, ўқиган газета ва китоблари, эшитаётган ахборотларни биргаликда муҳокама қилиб, зарур ёки нозарурлигини уқтирсак, эътиборни, вақтни қайси жиҳатларга қаратишини маслаҳат берсак — бу кони фойда.

Масалан, боланинг мусиқага ишқибозлиги бугунги кунда беҳад кўпайиб кетган, тутуруқсиз матнларга басталанган, енгил-елпи қўшиқлар домига тушиб қолмаслиги лозим. Оилада доимо миллий қўшиқларни тинглаш одат тусига кирса, ёшлар куй, ғазаллар маънисини тушуниб тинглаш лаёқатига эга бўлса ўткинчи, шовқин-суронлан иборат жўн оҳангларга маҳлиё бўлмайди. Миллий қўшиқлар уларда миллий санъатга, урф-одатларга, ўз Ватани, халқига чуқур меҳр-ҳурмат ҳиссини шакллантиради. Уйда миллий қўшиқ ва куйларнинг янграб туришини шунинг учун ҳам тарбиянинг таянч нуқталаридан бири дейиш мумкин.

**Жуманазар ҲАСАНОВ,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик ле ций директори**

# ШОИРНИНГ СЎНГГИ ҚЎШИҒИ

*Ҳаёт ажойиб сирлар ва тилсимлар билан тўла.*

*Баъзан куни кеча яратилган асар қўлёзмасини тополмай, шоирнинг ўзи ҳам, сиз ҳам роса хуноб бўласиз. Баъзан бундан эллик, ҳатто юз йил аввал дунё юзини кўрган, аммо унинг борлигини ҳеч ким билмаган асарлар, тилла балиқча сингари, тадқиқотчи "қармоғи"га илинади- қолади.*

*Камина бундан бир-икки йил аввал Усмон Носир қаламига мансуб бир таржиманинг мавжудлигини аниқлаган эди. Аммо менинг бу топилма ҳақидаги мақолам матбуотда жуда кечикиб чиқди. Ундан ҳам ачинарлиси шундаки, адабий жамоатчилиик, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, унга заррача эътибор бермади. Ҳолбуки, назаримда, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари адиблар қаламига мансуб ҳар бир янги асарнинг топилиши адабиётимиз учун байрам бўлиши лозим.*

*Гётенинг бой адабий меросида "Эгмонт" трагедияси алоҳида мавқени эгаллайди. Гарчанд буюк немис шоири бу асарга 1786 йили Италияда сўнгги нуқтани қўйган бўлса-да, у шу воқеадан роппа-роса ўн йил илгари,1776 йили ёзила бошлаган. Шунинг учун ҳам унда навқирон Гёте ижодига хос романтик пафос, қаҳрамонона руҳ устуворлик қилади.*

*Граф Эгмонт — тарихий шахс. Унинг ҳаёти ва фаолияти Нидерландиянинг испан ҳукмронлигига қарши олиб борган миллий-озодлик ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ. Эгмонт тарихий шахс сифатида ҳеч қачон бу ҳаракатнинг йўлбошчиси бўлмаган. Аммо мустабид испан тузуми Эгмонт сиймосида қўзғолон кўтарган омманинг йўлбошчисини кўрган ва уни маҳв этиб, қўзғолон "илдиз"ини таг-томири билан қирқиб ташламоқчи бўлган.*

*Гёте ўз асарини ёзиш жараёнида Эгмонт образини қайта идрок этди: қиролга содиқ бу инсонни эл-юртнинг ардоқли фарзанди, нидерланд миллий характерининг жонли тажассуми сифатида талқин қилди.*

*Ҳурлик ва озодлик учун кураш ғояси балқиб турган "Эгмонт" трагедияси буюк немис композитори Людвиг Ван Бетховенга бир олам илҳом бағишлади ва у ўзининг ўлмас музикаси билан бу асарга иккинчи умрни ато этди. Мана, бир ярим асрдан зиёд вақтдан бери "Эгмонт", Бетховеннинг бу асар асосида яратилган "Фиделио" операси-ю "Леонора" увертюраси жаҳон театрлари ва концерт заллари саҳнасини безаб келмоқда.*

*XX асрнинг 30-йилларидан Бетховен музикаси билан музайян этилган "Эгмонт" трагедияси машҳур рус артистлари ижросида намойиш этила бошлади. Ўша йиллари Ўзбекистон радиоқўмитасида ҳам ушбу асарни эфир орқали ўзбек тилида халққа етказиш истаги туғилди. Қўмита раҳбари Қурбон Берегиннинг маслаҳати билан асар таржимаси Усмон Носирга топширилди. Шу кезлари "Демон"ни ўзбек тилига қойилмақом таржима қилгани ва ижодида исёнкорлик руҳи кучли экани учун, Қ. Берегин назарида, бу асарни фақат Усмон Носиргина таржима қилиши мумкин эди.*

*Аммо таржима тайёр бўлиб, радиоспектаклни яратишга киришилган вақтда Усмон Носир дафъатан қамоққа олинади.*

*1937 йил 28 август куни бўлиб ўтган тергов вақтида радиоқўмита адабий эшиттириш таҳририяти ходимларидан бири бундай маълумот берган: "Тахминан июл ойининг охирлари ёхуд август ойининг бошларида мен "Эгмонт" адабий-мусиқий эшиттириши таржимони Усмон Носировнинг ҳибсга олинганини эшитдим. Мен бу ҳақда Пеккерга айтиб, ундан энди нима қиламиз, деб сўрадим. Пеккер менга аниқ бир жавоб бермади. Шундан кейин кўп ўтмай, Ўзбекистон радиоқўмитасига республикада хизмат кўрсатган артист Аброр Ҳидоятов кириб келди. Пеккер унга асарнинг аксилинқилобчи миллатчи Усмон Носиров томонидан таржима қилингани ҳақида чурқ ҳам этмай, унга Эгмонт монологини ёдлаш учун берди. Бу ҳам камлик қилгандек, Аброр Ҳидоятов асарни ким таржима қилганлиги билан қизиққанда Пеккер унинг аллақандай Усмонов деган одам томонидан таржима қилинганини айтди..."*

*Ушбу кўрсатмага қараганда, "Эгмонт" ролини Аброр Ҳидоятов ижро этиши, шарнофонга ёзиб олинган бу адабий-мусиқий эшиттириш Парижда ўтажак кўргазмага юборилиши ва халқаро фестивалда ўзбек маданиятининг совет даврида эришган ютуқларини кўз-кўз қилиши лозим эди. Лекин, афсуски, "ҳушёр" кимсаларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли "Эгмонт" радиоспектакли ўз вақтида эфирга чиқмади. Асарнинг Аброр Ҳидоятов қўлидаги нусхаси НКВД томонидан олиб кетилди. Буюк ўзбек артисти эса "аксилинқилобчи ва миллатчи шоир" қаламига мансуб таржимани ижро этмоқчи бўлгани учун жабр тортди.*

*50-йиллари Ўзбекистон радиоқўмитасига ишга келган таниқли сўз устаси Убай Бурҳон, кекса радиожурналист Бурҳон Зиёевнинг хотирлашига кўра, мазкур таржиманинг бошқа бир нусхасини топиб, шу нусха асосида "Эгмонт" радиоспектаклини тайёрлади ва бу асар узоқ йиллар давомида эфир орқали эшиттириб борилди. Биз бугун бу асарни ўқир эканмиз, унинг даҳшатли 1937 йили Усмон Носир томонидан бежиз таржима этилмагани ва унда қатл олдида турган ўзбек шоирларининг қалб нидолари ифодаланганига гувоҳ бўламиз.*

*Қуйида биринчи марта эълон қилинаётган "Эгмонт" монологи оташнафас шоир ва таржимон Усмон Носирнинг сўнгги қўшиғидир.*

**Наим КАРИМОВ**

ГЁТЕ

## ЭГМОНТ

**Трагедиядан парча**

**Клерҳен қўшиғи**
(*Музика*)

**Янграр барабанлар**
**Ҳам флейта куйлар.**
**Менинг ёрим отряд**
**Олдида борар.**

**Эй, завқинг келар,**
**Кўнглинг қўзғолар.**
**Эй, бўлса агарда**
**Дубулға, қалқон,**
**Курашга чиқардим**
**Мен ҳам бегумон.**

**Борардим ортидан**
**Қолмай изма-из.**
**Чекинди ёв, олға**
**Борар полкимиз.**
**Қандай яхши ботир,**
**Зўр жангчи бўлмоқ.**
**Зўр жангчи бўлмоқ.**

**Эгмонт** (*ёлғиз*). Қадрдон дўстим! Вафоли уйқу! Бошқа дўстларим каби наҳотки сен ҳам мени тарк этдинг! Сен ахир эркин ўйларимга ором берар, гўзал ва сўнмас бир севги чамбари каби ардоқлар эдинг. Жанглар сурони ва дунё ташвишлари остида мен бегуноҳ бир гўдак сингари оғушингда тинч ва енгил нафас олар эдим. Бўрон дарахт бутоқлари ва япроқлари орасидан эсиб ўтиб, унинг танасини силкитса ҳам ўзаги омон қолади-ку. Нечун мен қалтирамоқдаман? Далил ва содиқ қалбимни ғалаёнга солаётган нима? Биламан: бу — қотил болтаси. У менинг ҳаёт илдизларимни кемирмоқчи бўлади. Қоматим расо турса ҳам ичдан қалтироқ сезаётирман. Нима учун сен, энг қўрқинчли хавф-хатарларни совун кўпикларидек учириб юборган киши сенга қарши келаётган даҳшатларни маҳв этиб ташлаёлмайсан? Ахир сен ўлимнинг ҳар қандай даҳшатлари ичида, ҳаётнинг оддий ташвишлари ичида яшагандек баҳузур яшардингку!.. Йўқ, мени даҳшатга солган ўлим эмас. Бу мард юрак ногиҳон ўлим билан олишишга ҳар қачон тайёр. Гўрга ўхшаш бу зиндон қўрқоқлар назарида ҳам, ботирлар назарида ҳам жирканч кўринади. Давлат кенгашида князлар ҳал қилиниши жуда осон бўлган масалалар устида узундан-узоқ музокара юритганларида, юмшоқ креслода ўтириб уларни тинглаш нақадар оғир эди менга! Узилмас залнинг деворлари остида мен ўзимни худди бўғилгандек ҳис қилардим. Ўшанда мен имкон борича у ердан тезроқ қочишга шошилар ва отга минар, соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш учун олисларга, эркинлик қўйнига, қирларга чопардим. У бепоён далаларда табиат ўзининг ер тагидан чиққан бутун ноз-неъматларини инъом этар ва осмон ўз юлдузлари билан оламни ёритарди. У ерларда биз она ернинг фарзандлари каби унинг оғушида худди паҳлавонларга ўхшаб юксакларга баланд парвоз қилиш учун яна кучлироқ интилардик. Биз у ерда бутун инсоний ҳис-туйғуларни сезардик, қонларимизда бутун инсоний интилишлар алангаси ёнар, у ерда ёш овчининг кўнглида олға интилиш, зафар ташналиги, ўз куч-қудратини кўрсатиш орзуси жўш урарди.

Оҳ, бу фақат хаёлот, холос. Кўп замонлар молик бўлганим саодатнинг сохта хаёлоти, холос! Бу маккор тақдир сени қаёққа ундар? Ёки сени ҳеч қачон қўрқитолмаган ўлимни қуёш чеҳрасига келтириш ўрнига гўр азобидан дарак бермоқчими? Бу тош деворлар нақадар бадбўй ҳид сочадилар менга! Ҳаётим сўнаётир. Тобутга ўхшаш бу уйқу тўшагига бош қўйиш нақадар даҳшатли...

Оҳ, ҳасрат, қайғу! Мени бевақт ўлимга маҳкум этмоқчи бўлган ҳасрат, тўхта, қўй мени!.. Қачондан бери Эгмонт оламда бутунлай танҳо қолди? Сени эзаётган нарса бахт эмас, шубҳалар, шубҳалар эзаётир... Наҳотки, сен бутун умр ишонганинг қиролнинг адолати ёки маликанинг муҳаббатсимон дўстлиги сени қоронғи сўқмоқда ёлғиз қолдириб, тун қўйнида ғойиб бўлиб кетди? Наҳотки, шаҳзода Оранский дўстларга бош бўлиб, мени озод этишга журъат этолмаса? Наҳотки, халқ кўтарилмаса? Наҳотки, қудратли куч бўлиб ўз қадрдон дўстига нажот бермаса?

Эй, мени ўз исканжасига олган деворлар! Ўз қалбларини қалқон қилиб мен учун ёрдамга келаётганларнинг йўлини тўсмангиз! Авваллари менинг кўзларимдан эмиб олганлари у жасорат оловлари энди уларнинг қалбларидан яна менинг қалбимга қуюлсин. Ҳа, ҳа! Улар минг-минг бўлиб қўзғолаётирлар! Улар келаётирлар! Улар менга мадад берадилар! Уларнинг ўтинч нидолари кўкка учмоқда, улар мўжиза истайдилар, улар найза ва қилич олажаклар. Уларнинг зарбалари остида дарвозалар қулаб тушади. Қишанлар парчаланади, деворлар йиқилади ва Эгмонт ёришаётган тонг шуълалари остида озодлик қаршисига пешвоз чиқади. О, қанча-қанча таниш юзлар шодиёналик билан кутиб олурлар мени!..

**Клерҳен қўшиғи**
(*Музика*)

**Шодлик ва қайғу**
**Фикринг банд этар.**
**Ёрим чарчаб, нафас**
**Кучланар, қийнар.**

**Азоб тугаб, уни**
**Қучади шафқат**
**Ва бахтиёрлик,**
**Фақат муҳаббат.**
**Бахту баҳор билан**
**Севги-муҳаббат.**

**Эгмонт.** Ҳаммаси тугади. Ҳаммаси ҳал. Нажот йўқ. Турмадан чиқишга ҳам йўл йўқ. Жаллодлар бостириб кирадилар. Мен эса бошимни болта остига қўяман ва шу турмада мангу уйқуга кетаман. Мен қўлда қилич ушлаб эмас, шуҳратли жангда эмас, Гравелин жангида ўзини жангга ташлаган ва орқасидан бутун қаҳрамонлар полкини етаклаб борувчи қаҳрамон сифатида эмас, турмада ҳаёт билан видолашмакдаман. Энди шу қоронғи турма деворлари остида, шу болта остида танҳо жон бераман.

Ҳаммаси тугади. Ҳаммаси ҳал. Нима бўлди менга? Нима учун кўнглимда осойишталик? Бу қандай тоза руҳ? Менга ҳеч нарса қўрқинчли эмас. Мен танҳо эмасман. Эй, менинг дўстларим, жонажон халқим, ўртоқларим! Мен сиз учун яшадим ва менинг руҳим абадий сиз билан бирга. Қалбим тўла нур ҳам ором. Мен ухламоқ истайман ва ишонаманки... Эй жаллод, мени уйқудан уйғотмасданоқ...

Кел, эй, менинг тинч оромим! Мен ухламоқ истайман ва ишонаманки, ухлайман. Ум-м... жаллод мени уйқудан уйғотмасданоқ умримга хотима бера қолсайди. (*Музика.*) Кел, эй менинг тинч оромим ! Кел, ҳаёт ва ўлим ҳақида бутун тасаввурларни бир-бирига қориштириб юбор. Шодлик ва ўлимни ҳам бир-бирига қўш. Сен ҳам кел, эй менинг севгилим! Кел, эй менинг ягона Кларам, лабларимга лаб қўйиб, сўнгги видолашув бўсасини бер. Кел, тинч оромим, ҳаётимнинг сўнгги ороми, кел. (*Музика.*)

Мен ажойиб лавҳани кўрдим! Қуёш нурига бурканган озодлик тимсолини кўрдим ва унинг орази, бу — эрк орази, севгилим Кларанинг оразидек табассум қилди менга. Сизлар — менинг қалбимдан жой олган эрк ва севгилим, айтинг, қайси бирингизнинг севгингиз кучли экан?.. Бироқ мен сўнгида кўрдимки, Кларанинг табассуми озодлик қайғуси билан алмашди ва қон офтоб қиёфасида равшан кўринди. Бу қон эрк оёғи остида тупроқни қип-қизил қилиб бўяди. "Бу сенинг қонинг, сенинг, Эгмонт! Бу кўпларнинг қони — эрк севувчиларнинг қони!" деган садо янгради. Бу қон беҳуда тўкилмади. Бу қон озодлик учун тўкилган қутлуғ қондир.

Сенинг қонинг табаррук бўлади, Эгмонт! Қўзғол, халқим, қўзғол, сени зафар кутади. Сен денгиздек улуғвор халқсан, денгиздек қудратли ва қўрқинчлисан. Сен денгиз тўфони каби бутун тўсиқларни парчалаб ташлайсан.

О, жонажон шаҳрим, душман сенинг деворларингга яқинлашмоқда. Халқим, гражданлар, дўстларим, нега ҳозир сиз билан бирга эмасман? Аммо руҳим сиз билан бирга. Яна мардона бўлинг, ўлимдан қўрқмангиз! Озодлик учун, ўлмас муҳаббатга эга бўлган ҳамма одамлар учун ўлим йўқ! Демак, озодлик учун курашингиз! Бу турмада тинч ва шодлик билан жон бераётган мен каби сиз ҳам жангда шодлик билан жон беринг!

Жаллод, қани кир, ўз ишингни тугат! Эй, сиз — ёлланган солдатлар, сиз жанг майдонида керак эмассиз. Менинг олдимга бостириб кирсангиз ҳам, ўз сафларингизни оширсангиз ҳам, барибир, менинг олдимда ожиз қоласиз. Мен энди икки умр билан яшайман. Бирини сиз оласиз, аммо иккинчисини сизга бермайман. Иккинчиси — менинг умрим. Бу умр халқ билан озодликда яшайди. (*Тантанали музика.*)

**Усмон НОСИР таржимаси**



Қўқон. Шоирлар хиёбонида Усмон Носир сиймоси.

---

*Журналларни варақлаганда*

"Ёшлик" журнали сондан-сонга яшариб, нашрнинг дизайни, шаклий безаклари ва албатта, мазмун-мундарижаси бойиб, сондан-сонга такомиллашиб бораётир. Таъкидлаш жоизки, журнал том маънода ёш ижодкорларнинг изланишларини изчил ёритиб келаяпти. Хусусан, шу йилги учинчи сонида бир гуруҳ ёш шоир ва ёзувчиларнинг машқлари эълон қилинган. Олий Адабиёт курси тингловчиси Маягўзал Чориеванинг "Табиб ва доя", Намоз Эргашевнинг "Англаш" ҳикоялари, Оймомонинг "Чечаклар шивирлар теварагимда", Гули Зебонинг "Кўз ёшларинг Ерга эмас, Аршга оқиб кетгайдир", Улуғбек Асрорнинг "Баҳор абадий...", Собира Бўлдиеванинг "Олам эшигидан кираётган бахт" туркум шеърлари шулар жумласидан.



Адабиётшунос Абдулла Улуғовнинг "Ҳамиша эътибор керак" сарлавҳали мақоласида бугунги китобхонлик, адабиётга муносабат, замонавий қаҳрамон масалалари атрофида баҳс юритилади. Мунаққид Йўлдош Солижоновнинг "Тасвирнинг тиниқлиги" мақоласида таниқли адибларимизнинг йирик жанрдаги асарлари мисолида бадиий тасвир муаммосига доир кузатишлар, таҳлилий хулосалар баён этилган. Тадқиқотчи Марҳабо Қўчқорова эссенинг ўзига хос жиҳатларига доир мулоҳазаларини Ш.Холмирзаев, Э.Самандаров, И.Ғафуров, Ғ.Ҳотамовнинг мазкур жанрдаги асарлари таҳлили асосида очиб беришга ҳаракат қилган ("Комил инсонга интиқлик").

"Х.Дўстмуҳаммад ҳаёт ва ўлим муаммосига шарқ фалсафаси асосида ёндашади. Маълум даражада тасаввуф фалсафасига суянади", деб ёзади тадқиқотчи Гулноза Сатторова "Икки қутб фалсафаси" мақоласида. Унга ёзувчининг "Жимжитхонага йўл" ҳикояси таҳлили мавзу қилиб олинган. Нурбой Абдул Ҳакимнинг "Тийрамоҳда баҳор орзуси" жажжи тадқиқоти Фурқатнинг "Келди баҳор..." деб бошланадиган ғазали таҳлилига бағишланган.

Журналнинг янги сонида шоир Чоршаъмнинг "Элга бир сўз айтмасам бўлмас" туркуми, Исмоил Шомуродовнинг "Икки изқувар" қиссасининг давоми ва яна ёш ижодкорлар Шерзод Абдусамадов, Гулбаҳор Ортиқхўжаева, Акмал Икромовларнинг машқларидан намуналар берилган.

Таниқли шоир Тилак Жўра шеърияти ихлосмандлари "Ёшлик"нинг мазкур сонида унинг қаламига мансуб "Муножоту мансур" достони билан танишадилар. Дарвоқе, достонга ёзган мусўзида Вафо Файзулло таъкидлаганидек, "Муножоту мансур"ни Тилак Жўранинг кўнгил ҳурлиги, ҳақсизликка қарши гўзал исёни туққандир".

---

# БЕҲБУДИЙНИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

*Муаммо*

Ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмида мустамлакачилар Туркистонни батамом қўлга киритдилар. Аммо халқнинг катта қисми босқинчиларнинг асл ниятини яхши англаб етмасди. Чунки босқинчилар ўз мақсадларини очиқ-ойдин намоён этмас, гоҳ иттифоқчи кўринишида, гоҳо Ўрта Осиёни Ғарб давлатларидан қўриқлаётган "дўст" сифатида майдонга чиқардилар. Бундай сиёсий маккорликка дастлаб Хива, Қўқон хонлари, ҳаттоки, анча ҳушёр Бухоро амири ҳам ишондилар.

Ана шундай мураккаб вазиятда халқ орасидан чиққан зиёлилар авом халққа бор ҳақиқатни айтишга уриндилар. Босқинчилар эса ерли халқнинг кўзини очаётган маърифат фидойиларини ҳаёт саҳнасидан бутунлай олиб ташлаш режасини туздилар. Маҳмудхўжа Беҳбудий ана шундай мунавварларнинг бири эди.

Туркистон жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси, янги маориф меъмори, олим, драматург, публицист Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қатл этилиши, унинг қотиллари борасида турли тахминлар мавжуд. Мустақилликка қадар Беҳбудийнинг шахси ва фаолияти деярли ёритилмади ёки атайин турли хил талқин этилди...

Шу муносабат билан бир воқеа эсимга тушади. 1985 йили Қарши шаҳрининг Иқбол кўчасидан чоққина ҳовли сотиб олдик. Қамашидан отам келиб бир ҳафтача меҳмон бўлди. Қўшнимиз Мусахон бувани суҳбатга чақирди. Мусахон бува йигирманчи йиллари Қарши маҳбусхонасида ишлаган экан. Ёши тўқсонларга бориб қолган бўлса-да, кўп воқеалар кечагидек хотирасида эди. Отам у кишига дедилар:

— Бой-қулоқ қилиш кампанияси бошланиб, мол-мулкларимиз тортиб олингач, бу ерлар торлик қилиб қолди. Туяларимни ҳайдаб Тожикистоннинг Қўрғонтепа туманига ўтиб кетдим. У ерда Файзулла Хўжаев билан учрашиб қолдим. Файзулла ака қаердан эканлигимни билиб, "Бизнинг устозимиз Беҳбудийни Қаршида қатл этганлар, аммо қабри ҳамон сир сақланмоқда. Имкони бўлса, Қаршига тушиб, яқинларингиздан суриштирсангиз", деди. Қашқадарё билан Тожикистон ўртасида бориб келувчиларни кузатувчи, ҳимоячи қилиб қўлимга қурол берди. Қаршига жўнадим, танишларни ишга солиб, суриштирдим. Бироқ ҳеч нарсани аниқлаб бўлмади. Файзулла Хўжаевдек раҳбар қизиққан одам ким бўлди экан, деб ўйлардим. Сиз қамоқхонада ишлагансиз, балки, биларсиз?

— Беҳбудий деганлари қатл этилганда биз ўсмир бола бўлганмиз. Айни қама-қамалар даврида Қарши қамоқхонасида ишладим. Биз билан бирга ишлаганлар Беҳбудий Хўжа Абдулазизхон мадрасаси яқинидаги беклик чорбоғида қатл этилиб, шу ернинг ўзида кўмиб, қабри текислаб ташланган, дейишарди. Шаҳидлар бир неча киши бўлган экан. Уларни ўлдирган йигит кейин жинни бўлиб қолганини айтадилар.

Беҳбудий домланинг шогирдлари кўп экан чоғи, тинимсиз қабрини излашган, бироқ тополмаганлар. У кишининг қабри қаердалигини билганлар ҳам, ўлдирилган, дейишади. Қаршига Беҳбудий номи қўйилди, аммо Беҳбудийни тилга олганларни жадидчи деб қамадилар. Қамоқхоналар тиқилиб кетди. Сиёсатга аралашганларни Тошкентга жўнатишарди. Қолганларини тунда олиб чиқиб, эски қалъа ёнида йўқ қилардилар...

Бугунги кун зиёлилари истиқлол фидойиларининг фаолиятларига доир манбаларни излаяптилар. Кўп манбалар изсиз йўқолган. Ёки воқеа-ҳодисалар тескари талқин этилган. Шундай бўлишига қарамай, халқ ҳофизасига таянган ҳолда изланишлар давом этмоқда. Кунларнинг бирида "Олтин мерос" хайрия жамғармаси Нишон тумани бўлимининг бошлиғи Пўлат Хидиров бир суҳбатни хотирлаб қолди.

— 1967 йил эди, чамамда, отам билан қўшнимиз Ҳусайинов бобо гурунглашиб ўтирган экан. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида гап кетди. Қўшнимиз қартайиб қолган, ғассолларнинг пири эди. У киши, 1919 йилнинг март ёки апрел ойларининг охири эди, дея эслади. Қарши беги Тоғайбекнинг миршаби руҳий касал бўлиб, ҳузурига келгани, у йигит Беҳбудийнинг қатли вақтида ҳовлиқиб қолганидан болтаси қўлидан чиқиб кетгани, амаллаб бошини олгани, шу кундан буён кўзида уйқу йўқлигини гапириб берганини айтди. Суҳбатни эшитиб, мен ҳам қизиқиб қолдим. Чунки Беҳбудий ким эканини билишни истардим. Қатлда қатнашган миршаб йигит Беҳбудий ва дўстларининг қабрларини текислаб, устига йўнғичқа уруғи сепганларини айтибди. Шунда ғассол: бу мусулмоннинг иши эмас, қандай бўлмасин қабрга белги қўйиб, Қуръон тилавот қилиб келасан, шундан сўнг у одам сени безовта қилмайди, дебди. Миршаб уч чоршанба даволаниб, ўзи кўмган икки қабрнинг устига тупроқ уйиб, белги қўйиб келганини айтган экан. Мен гапга аралашиб, ўша жойнинг қаердалигини сўраганимда Хўжа Абдулазизхон мадрасаси деворининг ортидаги иккита тутнинг тагидалигини айтди. Ўша пайтлари ғайратли журналистман, қўшнимиз айтган жойни бориб кўрдим, ҳақиқатан ҳам иккита қабр қаровсиз ётарди. У кишининг суҳбатидан кейин радиода Беҳбудий ва унинг қабри тўғрисида каттагина эшиттириш бердим, бироқ бунга ҳеч ким эътибор қилмади. Ҳақиқатан ҳам Ҳусайинов бобо айтган воқеалар бўлган экан...

1909 йили Хўжа Абдулазизхон томонидан қурилган мадрасага Қарши беклигининг чорбоғи туташиб кетган. Маҳмудхўжа Беҳбудий шу чорбоғда сўроқ қилинган, пинҳона шу ерда Аҳмад афанди билан 4 кишининг ўзларига қабр қаздириб, қатл этилган. Бу воқеаларни кимлардандир эшитган кишилар 1980-йиллари зиёратга келганлар. Ҳозирги кунда Хўжа Абдулазизхон мадрасасида вилоят ўлкани ўрганиш музейи жойлашган. Музей ходимларидан Муҳтарам опа бир қария киши келиб, ўзини 1-мактабнинг тарих ўқитувчиси, деб таништиргани, музей девори ортидаги икки тут тагида Беҳбудий ва унинг маслакдошлари кўмилганини айтиб, жойларини кўрсатиб, бу гаплар омонат эканини айтиб қаровсизликда ётган қабрлар устида дуои фотиҳа қилиб кетганини сўзлаб берди...

Вилоятда кўпгина қатағон-қирғин қурбонлари, шу жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг фаолиятини ўрганиш, қабрини излаб топиш борасида баъзи ишлар олиб борилди. Жумладан, таниқли олимлар — Бегали Қосимов, Поён Равшанов, устозларимиз — Самар Нуров, Чори Ҳамро, вилоят ўлкани ўрганиш музейининг директори Солижон Пўлатовнинг саъй-ҳаракатлари диққатга сазовор.

Урушдан кейинги йилларда бекликнинг чорбоғи ёнидан шоир, маорифчи Чори Ҳамро ҳовли олганди. У киши мадраса, чорбоғнинг атрофида кўплаб қабрлар чиққач, одам суякларини йиғиштириб, Эшон шаҳид қабристонига олиб бориб кўмгани, аммо шоир Беҳбудийнинг қабри деворга яқин жойда бўлиб, бузилмаганини айтган эди.

Бу ҳақда драматург Солижон Пўлатов "Насаф" газетасида (2000 йил) шундай ёзади: "Мен Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қатлига доир маълумотларни кўздан кечирдим, қариялар билан суҳбатлашдим. Шу нарсаларга амин бўлдимки, улар яширин ҳолда атрофи қалин деворлар билан ўралган хилват чорбоғда ўлдирилиб, сўнг мадраса девори яқинидаги тут дарахти ёнига кўмилган. Бу қабрлар 1950-йилларгача мавжуд бўлгани, кейинчалик бошқа жойга кўчирилгани, қаердалиги номаълумлигини сўзлаб беришди, жойини кўрсатишди, ҳозир бу тут сақланиб қолмаган. ( Ҳозирги "Умид" болалар боғчаси дарвозасига яқин жойда бўлган.)"

Беҳбудий ҳазратларининг ҳаёти ҳақида устозимиз таниқли ёзувчи Самар Нуров билан ҳам суҳбатлашдим. У киши шундай деди:

— Балки, Хўжа Абдулазизхон мадрасаси девори тагидаги тутнинг ёнидаги қабрлар у киши ва дўстлариникидир. Аммо, яна бир нарсани таъкидлашни истардим, бошимизда етмиш йил қилич ўйнатган сиёсатдонлар ўз ортларини тозалаб кетишни ҳам билганлар. Балки, Қарши шаҳридаги болалар боғига тўртта қабр кўчирилган эди, шулар жадид боболаримизники бўлиши мумкин. Чунки ўттизинчи йиллари шаҳид бўлганларнинг қабрларини шу ерга кўчириб келтириш урфга айланган. Аммо у киши буюк зот бўлган, Амирни қоралаш учун ҳам, жадидларни қатағон қилишда ҳам Беҳбудийнинг улуғлиги қўл келган. Беҳбудийни Амир ўлдиртирди, деб халқни чалғитганлар, шогирдлари сифатида зиёли қатламлар йўқ қилинган. Шунинг учун ҳам қотиллик, унинг қабри пинҳона сақланган...

Умид қиламизки, олимларимиз бу борадаги изланишларини давом эттирадилар.

**Шарофат АШУРОВА**

Қарши

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

***Инсон ёруғ оламга ҳур бўлиб, тенг бўлиб келади. Ҳар бир одам бу дунёда бахтли бўлиб яшашга ҳақлидир. Бироқ бахтли ҳаётга ўз-ўзича эришиш ғоят мушкул. Бунинг учун курашмоқ, жонни фидо қилмоқ керак! Чунки ҳақ олинур, берилмас! — мунаввар боболаримиз бизга шуни васият қилганлар. Улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий ва ҳаммаслаклари ана шу эътиқодда бўлганлар, ана шу буюк эътиқод йўлида жон фидо қилганлар.***

***Истиқлол йиллари жадид боболаримизнинг қайта туғилиш йиллари бўлди, десак янглишмаймиз. Халқимизнинг бу асл фарзандларининг табаррук номлари қайта тикланди, уларнинг асарлари эълон қилинди, фаолиятлари тадқиқ этилди. Бу савобли ишлар изчил давом қилдирилмоқда. Бироқ тарихимизнинг — мард боболаримиз ҳаёти ва фаолиятининг номаълум саҳифалари ҳали кўп. Жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаётини тўлиқ ўрганиб бўлдик, дея олмаймиз. Масалан, бу инсон ва унинг сафдошларининг сўнгги макони қаердалиги бугунгача аниқланмаган. Қашқадарёлик адиба Шарофат Ашурова мақоласида бу ҳақда анча қизиқарли мулоҳазалар айтилган. Хўш, Беҳбудийнинг қабри қаерда? Бу улкан ва ҳақли саволга беҳбудийшунослар, тиббий экспертиза ходимлари, антрополог ва бошқа мутахассислардан иборат нуфузли экспедициягина аниқ жавобни бериши мумкин, деб ўйлаймиз. Ахир, минг йиллар бурун яшаб ўтган Абу Абдулла Рудакий қабрини устод Беҳбудийнинг шогирди Айний домла раҳбарлик қилган илмий экспедиция аниқлаб берган эди-ку!..***

***Иншооллоҳ, улуғ устозимиз Беҳбудийнинг қабри албатта топилажак!***

